

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ҳ У К М

2025 йил ноябрь ойининг 6 куни жиноят ишлари бўйича Учкўприк туман суди, очик сайёр суд мажлисида Учкўприк тумани “Тожиқ” МФЙда, раислик қилувчи туман судининг раиси Н.Раимкулов, судья ёрдамчиси Х.Рахмоновнинг котиблигида, тарафлар давлат айбловчиси Учкўприк туман прокурорининг ёрдамчиси Ф.Темиров, судланувчи М.Тўхлиев ва унинг химоячиси – адвокат А.Рахматжоновнинг иштирокида Тўхлиев Музаффар Қодировичга оид 1-1518-2501/249-сонли жиноят ишини кўриб чикди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Тўхлиев Музаффар Қодирович, 1985 йил 14 октябрда Ўзбекистон туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, тўрт нафар фарзанди бор, ишламайди, муқаддам судланмаган, Ўзбекистон тумани, “Элчи” МФЙ, Истиклол кўчаси, 5-уйда яшайди, муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2025 йил 22 сентябрь куни олган, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 276-моддасининг 1-қисми ва 270-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи М.Тўхлиев 2025 йил 11 август куни туман ИИБ ТҚҚБ ва ХПБ ходимлари томонидан ўтказилган “Қорадори-2025” комплекс тезкор-тадбир давомида, ўзининг Ўзбекистон тумани, Элчи МФЙ, Истиклол кўчаси 5-сонли яшаш хонадони томорқасининг турли жойларига 12 туп каннабис ўсимлигини парваришлаб келаётгани ҳамда 3,48 грамм озгинадан кўпроқ марихуана гиёҳвандлик воситасини ўзининг истеъмоли учун сақлаб келаётгани аниқланган.

Судланувчи М.Тўхлиев суд мажлисида, ўзига эълон қилинган айбловга иқроп бўлиб, 2025 йил 11 август куни Ўзбекистон тумани ИИБ ходимлари яшаш хонадонига келиб тадбир ўтказилаётганлигини маълум қилишиб, ундан яшаш хонадони томорқасида таъқиқланган гиёҳвандлик ўсимликлар борлигини сўрашганида ўз ихтиёри билан яшаш хонадони томорқасида гиёҳвандлик ўсимликларини етиштириб келаётганлигини айтиб, уларга кўрсатиб бергани, ИИБ ходимлари яшаш хонадоидаги томорқасини кўздан кечириш жараёнида 12 туп наша ўсимлигини парваришлаб келаётганлигини аниқлашгани, уларга мазкур ўсимликларни сотиш мақсадини кўзламасдан ўзи истеъмоли учун етиштириб, парваришлаб келаётганлигини айтгани, ИИБ ходимларига бу наша ўсимлигига ўхшаш ўсимликнинг баргларида териб истеъмол қилиб юрганлигини айтиб, ўзининг ёнида бўлган, қоғоз бўлагига ўралган, куритилган холатдаги наша гиёҳвандлик моддасини тақдим қилгани, ҳозирда қилган ишидан пушаймонлиги, ўзига нисбатан қонун доирасида енгиллик берилишини сўради.

Гувоҳ Д.Тошпўлатов суд мажлисида, 2025 йил 11 август куни соат 08:00 ларда Ўзбекистон тумани ИИБ ходимлари томонидан ўтказилаётган



«Қорадори-2025» тадбири муносабати билан Ўзбекистон тумани, Элчи МФЙ, Истиклол кўчаси 5-уйда яшовчи фуқаро Тўхлиев Музаффар Қодировичнинг яшаш уйи томорқасини кўздан кечириш тезкор тадбир давомида мутахассис сифатида иштирок этгани, М.Тўхлиевнинг хонадонига холислар иштирокида кириб, кўздан кечириш ўтказгани, кўздан кечириш давомида хонадон томорқасидаги экин майдонининг турли жойида, бўйи 130-140 см келадиган, ўткир хидли, кўкимтир рангли, нашасимон ўсимлик экилган ҳолатда парваришланаётганлиги маълум бўлгани, мазкур 12 туп ўсимликларнинг таг қисми бегона ўтлардан тозаланган, суғорилган ва ушбу наша ўсимликларни таг қисмига ўғит солинган ҳолда агротехник ишлов бериб, парвариш қилинаётганлиги аниқлангани, Музаффар ака ушбу 12 туп наша гиёҳвандлик ўсимлиги ўзига тегишили эканлигини, ўзини истеъмоли учун парвариш қилиб келаётганлигини, келажакда сотиш нияти йўқлигини айтгани, ушбу 12 туп наша гиёҳвандлик ўсимликлари баргларида намуна тариқасида олишиб, қолган қисми ёқиш йўли билан йўқ қилингани ҳақида баён қилди.

Шунингдек, судланувчи М.Тўхлиевнинг юқоридаги жиноятни содир этганликдаги айби, судда текширилган ишдаги гувоҳлар А.Алиқўзиев, Р.Бозоровларнинг дастлабки терговдаги кўрсатувлари, билдирги, кўздан кечириш ва олиб қўйиш баённомаси ва фото-илова, тушунтириш хатлари, суд-кимёвий экспертизасининг хулосаси, олинган ашёвий далил, суд-наркологик экспертизасининг хулосаси ҳамда жиноят ишидаги бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ тасдиғини топди.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи М.Тўхлиевнинг озгинадан кўп миқдордаги 3,48 грамм марихуана гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда сақлаб келганликда ифодаланган жинойи қилмиши ЖК 276-моддасининг 1-қисми билан, тақиқланган экинларни, яъни каннабис ўсимлигини қонунга хилоф равишда етиштиришда ифодаланган жинойи ҳаракати ЖК 270-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Суд, судланувчи М.Тўхлиевга жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 5-бандида, судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, шунингдек унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузалиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш учун қонунда мавжуд барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари керак деб кўрсатилган тушунтиришларига амал қилган ҳолда, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслиги, жиноятни ижтимоий хавфлилик даражасини, айбига иқрор ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, судланмагани, оилавий шароитининг оғирлиги каби жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни эътиборга олган ҳолда уни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш имкони бор деб ҳисоблаб, унга нисбатан озодликни чеклаш жазоси тайинлашни ҳамда унга ахлоқан тузалишига кўмаклашиш учун жазони ўташ даврида алкоғолли ичимликлар ва гиёҳвандлик воситаларини истеъмол имаслик каби қўшимча мажбурият юклатишни лозим топади.

Бундан ташқари, суд наркологик экспертизасининг 2025 йил августдаги 456-сонли хулосасига кўра, М.Тўхлиев каннабиноидларга



тобелик касаллиги билан оғриши ва ушбу касаллик билан мажбурий даволашга муҳтожлигини инобатга олиб, ЖКнинг 96-моддасига асосан уни жазони ўташ даврида ушбу касалликга қарши мажбурий даволатишни лозим топади.

Шунингдек, суд ашёвий далил тариқасида олинган гиёҳвандлик воситаларининг текшириш жараёнида сарфланганини инобатга олиб, қолган 3,17 грамм марихуана гиёҳвандлик воситасини йўқ қилишни ҳамда 12 туп наша ўсимлиги ёқиш йўли билан йўқ қилинганини инобатга олишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И :

Тўхлиев Музаффар Қодирович Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 276-моддаси 1-қисми ва 270-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

М.Тўхлиевга ЖК 276-моддасининг 1-қисми билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 баравари миқдорида 10.300.000 сўм жарима жазоси тайинлансин.

М.Тўхлиевга ЖК 270-моддасининг 1-қисми билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 баравари миқдорида 10.300.000 сўм жарима жазоси тайинлансин.

М.Тўхлиевга ЖК 59-моддасининг 2-қисми тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 баравари миқдорида 12.360.000 сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима давлат фойдасига ундирилсин.

М.Тўхлиевга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиши ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

М.Тўхлиев ЖКнинг 96-моддасига асосан жазони ўташ даврида каннабиноидларга тобелик касаллигидан мажбурий даволатилсин.

Ашёвий далил сифатида олиниб, ДХХ Фарғона вилоят бошқармасининг ашёвий далилларни сақлаш омборида сақланаётган текширишдан қолган 3,17 грамм марихуана гиёҳвандлик воситаси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг йўқ қилинсин.

Ашёвий далил тариқасида олинган 12 туп каннабис ўсимлиги ёқиш йўли билан йўқ қилинганини инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали Фарғона вилоят суди жинот ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг кассация тартибида шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

Н.Раимкулов

